

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИДА СИФАТ СТАНДАРТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, МУАММОЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ЕЧИМЛАР

Орифжонов Нодир Ғойибжон ўғли

Наманган Мухандислик Технология институти докторанти,

Ибрагимов Исройл Усманович

Наманган Мухандислик – Технология институти “Менежмент” кафедраси  
мудири, и.ф.ф.д

**Аннотация:** Ушбу мақолада саноат корхоналарида сифат кўрсаткичларидан фойдаланишинг холати, долзарблиги, маҳаллий корхоналарда улардан фойдаланишдаги муаммолар бўйича фикрлар келтирилган. Шу билан биргаликда муаммоларни ечимлари доирасида тадқиқотчилар томондан амалий ва назарий ишланмалар бўйича фикр мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** ISO, сифат, сифат кўрсаткичи, маҳсулдорлик, Мукаммаллик тушунчалари, барқарорлик, мукаммаллик моделлари.

Охирги йилларда «Нима учун Ўзбекистонда жойлашган аксар компаниялар бошқа МДХ давлатларидағи каби ISO 9001 ва бошқа бошқарув тизимлари бўйича ўз ташкилотларида тадбиқ қилишяпти лекин нима учун кутилган натижа олинмаяпти?» деган савол барчани олдида асосий масала сифатида турибди. Нима учун ушбу компаниялар Европанинг ривожланган компаниялари каби муваффақиятга эришмаяпти?, нима учун тизимли бошқарувга ва мақсадли бошқарув тизимиға ишончсизлик кайфияти ортиб боряпти? Келинглар ушбу саволларга жавоб топиб кўришга харакат қилиб кўрамиз.

Масалан рассомда санъат асари яратиш бўйича бир ғоя келди. Аввал тўлиқ картинани тасаввур қилиб кўради. Кейин маълум бир деталларни эскизини чизиб кўради. Кейин яна расмнинг барча деталлар бир бирига мутаносиб ва мос келишига қараб олади. Ва яна ушбу деталлар ёки бошқаларига қайта ишлов беради. Ҳамда ушбу жараён қайта ва қайта амалга оширилади.

Янги ғояларни амалга ошириш учун қийин техник тизимларни ишлаб чиқиши лозим. Кейин эса умумий наъмуна ва схемалар, хисоб-китоблар, моделлар ҳамда умумий тартиб пайдо бўлади. Шундан кейингина катта архитектор ўз қўл остидагилар ёрдамида лойиханинг алохида бирликлари лойихалаштиради. Бу эса ўз навбатида лойиха компонентлариниг келажакда ўзаро уйғунлиги ва яхлитлигини таъминлайди. Турли ҳилдаги қурилиш

мажмуалари, бинолар, иншоотлар ва бошқалар одатда шу тартибда лойихалаштирилади.

Агар ишлаб чиқариш жойида бирон бир технология ўрнатиладиган бўлса, аввал ишлаган технологиянинг иш самарадорлигини таъминлаши ва ўз навбатида унданда яхшироқ ишлиши талаб этилади. Шу сабаб янги қабул қилинадиган тизим ёки технологиялар аввал ишлаган тизимнинг камчиликларини тўлдириши ва асосий мақсадни таъминлашга қаратилади.

Яратган инсонни мукаммал ва азиз қилиб яратди. Агар бирон бир касаллик сабаб инсон ҳаётига зарар етса, ёки бирон бир аъзо тиббиёт нуқтаи назаридан алмаштириш талаб этилилиб, масалан юрак алмаштириш каби оғир операцияларни мисол қилиб олинадиган бўлса, албатта инсон организми тўлиқ текширувдан ўтказилади ва диагностика амаллари бажарилади. Масалан тасаввур қилинг, сиз эскигина Жигули автомобилингизга замонавий пойга машинасининг двигателини ўрнатмоқчисиз. Ёки врачлар қандли диабет ва бошқа жиддий касалликлари бор bemорга улардаги касалликларни бартараф қилмай соғлом юракни кўчириб ўтиришмокчи. Қандай натижга бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу сабаб, нима учун биз хали ривожланмаган, аввалги бошқарув мукаммалаштирилмаган тизимга ISO 9001 бошқарув сифат кўрсаткичларини тадбиқ қилмоқчимиз. Шу билан биргаликда ўзимизни озгина бўлсада қийнаб, аввалги тизимни учраган муаммоларни тахлил қилмаймиз, муаммоларни келиб чиқиш сабабларини ўрганмаймиз, аввалги бошқарув тизимини модернизация қилмаймиз, хамда уларга муаммо келиб чиқиш сабабларига аниқ ташхис қўймасдан энг оғири ISO 9001 стандартларини ўз фаолиятимизга тадбиқ қилиб қўя қоламиз.

Мақсадли бошқарув тизимлари стандартлари қандай пайдо бўлади? Улар «Осмон»дан тушмаган. Ва уларнинг ривожланиш прототиплари қолоқ компаниялар эмас балки ривожланган корпоратив маданиятга эга, илғор бошқарув кўниумаси мавжуд, замонавий бизнес амалиёти қўлланиладиган, яхлит бошқарув тизимли ривожланган компаниялардир. Биз уларнинг стандартларини соддалаштирилган тарзда тушунамиз, хамда уларни талабларини эскиришга улгурган бошқарув тизимларимиз ва корпоратив маданиятларимизни хисобга олмаган холда ўзимизда тадбиқ этишга харакат киламиз. Афсуски бу бесамар харакат хисобланади. Замонавий стандартларга мувофиқ мақсадли тизимларни амалга ошириш истагидаги корхоналар замонавий талабларга жавоб берадиган бошқарув тизимлари (ўзаро шаклланган ички маданиятни эътиборга олган холда) мавжуд бўлган холлардагина ижобий натижаларга умид қилишса бўлади. Афсуски бундай ташкилотлар бизда кам.

Юқоридагиларни инобатга олган холда қуйидаги хулоса келиб чиқади: ташкилотларда бошқарув тизимлари шакллантириш ва лойихалаштириш,

хамда такомиллаштириш ушбу соҳадаги ёндашувларни тубдан ўзгартиришларни тақозо қиласди. Ташкилотларимизнинг муваффақияти кўп жихатдан уларнинг мукаммалигига боғлиқлигини англаган холда, биз уларга жуда мураккаб интеллектуал тизимлар сифатида муносиб хурмат билан қарашимиз керак. Ва мажозий маънода қаралганда тизимларнинг ўринbosари сифатида рақамли бошқарув тизимлари тушунилади.

#### Ташкилотни такомиллаштириш бўйича З ёндашув

Кўп йиллар давомида дунёда етакчи ривожланган ташкилотларнинг тажрибаси умумлаштириб, уни қолган давлатларга ҳам тарқатиш ишлари олиб борилмоқда. Бу асосан З йўналишда амалга оширилиб келинмоқда: яъни илғор бизнес амалиётларини аниқлаш, мақсадли бошқарув тизимлари учун маҳсус стандартларни қабул қилиш, ташкилий жихатдан мукаммал тушунчаларни шакллантириш келажакда эса уларни мукаммал холда ташкилот моделлари тилига таржима қилишдан иборат. Узоқ вақт давомида МДХ давлатлари муттахассислари орасида қайси устувор йўналишлар муҳимлиги борасида мунозаралар олиб олиб борилмоқда: мақсадли бошқарув тизимлари учун халқаро стандартларни кўллаш, мукаммал концепсиялар ва моделларга амал қилиш ёки бизнеснинг илғор тажрибаларини ўзлаштиришга эътибор қаратиш лозим. Аввалдан айтиш жоизки, максимал самарадорликка эришиш учун, биринчи, иккинчи ва учинчи йўналишларни ўзаро боғлиқлигини таъминлаган холда қўллаш керак бўлади. Улар ўз навбатида бир бирини тўлдиради ва ташкилотга энг катта таъсирини кўрсатади. Худди инсоният каби: қалб, тана ва билим, шу билан биргаликда амалиётга тадбиқ қилиш, инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва рақобатбардошлигини белгилаб беради.

Мукаммалик тушунчалари, муваффақиятли ташкилотларнинг корпоратив маданиятининг асоси сифатида.

Муваффақиятли ташкилотлар бўйича кенг қамровли тадқиқотлар кўп йиллар давомида ҳар бир қитъада уларнинг муваффақиятига сабабчи асосий омилларни аниқлаш учун олиб борилмоқда. Умумлаштириб олинганда бу ерда муваффақиятли ташкилот маданиятининг (ташкилий ва иш юритиш) бошқача сўз билан айтилганда «маънавий дунёси»га боғлиқ кодировка қилинади. Ушбу концепциялардан фойдаланиш сайёрамиздаги юз минглаб ташкилотларга муваффақият қонунларини яҳшироқ тушунишга, уларга мос келадиган хулқ – атвон кодексини шакллантиришга ва шу асосда тезроқ, самаралирок ва ишончли такомиллаштиришга имкон беради.

Кўйида EFQM (Европа сифат менежменти жамгармаси) версиясида ишбилармонлик (ташкилий) маданиятни акс эттирувчи мукаммалик концепцияси (МК) тушунчалари – қитъада мукаммал ташкилотлар нуқтаи назаридан «Тренд Белгиловчи» сифатида тан олинган.

1. кўриш, илхом ва хаққонийлик орқали бошқарув (МК1);

2. ходимларнинг истеъдоди орқали муваффақиятга эришиш(МК2);
3. истеъмолчилар учун қиймат қўшиш (МК3);
4. барқарор келажакни кўриш (МК4);
5. ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш (МК5);
6. ижодкорлик ва инновациялардан фойдаланиш (МК6);
7. бошқарувда мослашувчанлик (МК7);
8. юксак мэрраларга барқарор эришиб бориш (МК8).

Тасаввур қилиш учун юқоридагиларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Кўриш, илҳом ва хаққонийлик орқали бошқарув (МК1): йирик ташкилотларнинг раҳбарлари ташкилотнинг келажаги тўғрисида етарлича ёрқин ва равshan тасаввурларга эга бўлиб, унга эришиш учун барча ходимларни ижодий меҳнат қилишга ундайди. Ҳодимлар жараёнда буйруқ ва бошқарув механизмлари орқали эмас, балки иштиёқ ва илҳом орқали ютуқларга эришишга харакат этадилар. Шу билан бирга, бошқарувнинг барча даражадаги ходимлари бундай мақсадларга эришишга қаратилган ташаббусларни бошлиш ва амалга ошириш учун механизмлар, ваколатлар ва ресурсларга эга. Муқаммал ташкилотларнинг раҳбарлари ўзларини ҳалол ва юксак ахлок эгаси каби тутадилар; улар ташкилот ишонадиган ва ўз фаолиятида амал қиласидиган қадриятлар ва тамоийларни белгилайдилар. Шу билан биргаликда, ташкилотдаги барча раҳбарлар нафақат уларга риоя қиласидилар, балки буни қолган ходимларга ўрнак сифатида кўрсатиб, ўзларини қадриятларга мувофиқ тутишлари билан ажралиб туришади.

Ходимларнинг истеъдоди орқали муваффақиятга эришиш(МК2). Муқаммалликка эришган барча ташкилотлар ташкилот фаолиятини яхшилашга ёрдам бера оладиган хамда ташкилот фаолиятни муқаммал даражага олиб чиқа оладиган истеъдодли ходимларни қидиради. Ташкилотнинг асосий вазифаси бу – истеъдодларни тушуниш, уларни ривожлантириш ва умумий манбаатлар йўлида фойдаланиш учун шароитлар яратиб беришдан иборат. Бунга эришиш учун ходимлар зарурий ваколатлар, ресурслар, мухит ва ривожланиш имкониятларини олади. Муқаммал ташкилотлар ходимларга ресурс сифатида эмас балки жараёнларни ривожида teng хукукли шериклар сифатида қарашади. Улар ташкилот мақсадлари ва ҳар бир ходимнинг шахсий мақсадларини мувозанатли қондиришни таъминлашга интилади. Бу эса ходимларнинг шахсий мақсадлари, қадриятлари ва орзуларига эътибор бериш, уларни тизимли мухокама қилиш, мотивация, ривожланиш ва ходимларни баҳолаш тизимини индивидуаллаштиришга тайёрлигини анлатади.

Юксак мэрраларга барқарор эришиб бориш (МК8). Хар қандай харакат ва ташабbus ташкилотда юқори баҳоланиши мумкин, фақатгина у ташкилот томонидан режалаштирилган натижаларга эришишни таъминласа, ва бу натижаларга эришиш, ўз навбатида олдинга қўйилган мақсад ва қарашларни

амалга оширишга хизмат қилади. Мукаммал ташкилот ўз фаолиятининг барча соҳаларини қандай баҳолашни билади, бунинг учун у самарадорлик кўрсаткичларини яъни миссияни амалга оширишнинг глобал кўрсаткичларидан тортиб, бошқарувнинг қуи даражасидаги операцион кўрсаткичларгача бўлган ягона тизими니 ишлаб чиқади. Бу эса ташкилотнинг ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва яҳшилаб бориш учун хизмат қилади. Ушбу кўрсаткичлар нафақат фаолиятнинг молиявий жихатлари ёки мижозлар эҳтиёжини қондириши билан боғлиқ бўлиши, балки ташкилотни барча манбаатдор томонлар нуқтаи назаридан баҳолаш, уларнинг эҳтиёжларини ва умидларини мувозанатлаш имконини бериши мухимдир.

Бундан кўриниб турибдики, мукаммал тушунчалари ижтимоий йўналтирилган. Табиийки, тўйинган бозор шароитида манбаатдор томонларнинг барча ҳоҳиш истакларини таъминлайдиган ёндашув ва усулларини қўллаган ҳолда ташкилотлар рақобат мухитида муваффақият қозонишлари мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўз тараққиётини мукаммаллик концепция асослаган ҳар бир ташкилот барча манбаатдор томонларнинг манбаатларини хисобга олган ҳолда ижтимоий масъулият даражасини хам босқичма – босқич ошириб бориши талаб этилади.

Юқоридаги тушунчаларни такомиллаштириш мақсадида амалиётда қўллаш учун маҳсус воситалар қўлланилади: яъни мукаммаллик моделлари; радар мантиғи кўлами; даражалар ва мукаммаллик зинапоялари.

**Мукаммаллик моделлари.** Мукаммаллик моделлари – булар «бошқача тил»да ифодаланган конкретлашган тушунчалардир. Дунёда 7 та машхур асосий моделлар мавжуд: Австралия, Иbero-Америка, Хинд, Сингапур, АҚШ, Япон ва Европа (модель EFQM). Муайян ташкилотни моделлар ёрдамида солишириш ташкилотнинг кучли ва заиф томонларини (яҳшиланиши керак бўлган соҳаларни) аниқлаш имконини беради. Энг яхши амалиётлар тўғрисида маълумот олиш ва таҳлил қилиш ташкилотга маълум бир давр учун аниқ, мақсадли инновацион такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқиш имконини беради. Дастур фаолиятини якунлагандан сўнг, ташкилот яна баҳоланади яъни, моделлар билан солиширилиб, такроран кучли ва заиф томонлар кўриб чиқилади. Худди спиралнинг паст томонидан юқори томонга харакатланган каби солишириб чиқилади.

Энг оммабоп моделлардан бири EFQM мукаммалик модели бўлиб, у мукаммал ташкилот ва унинг маънавий дунёси хакидаги замонавий дунёни (биринчи навбатда Европа давлатлари) идрок этишни батафсил тавсифлайди. Ушбу моделдан фойдаланиш ташкилотнинг мукаммаллика эришиш йўлида қайси холатда эканлигини тушуни ва унинг мукаммалигини ошириш учун келгуси кадамларни аниқлаш имконини беради. EFQM модели 9 мезондан хамда 32 мезон ости даражаларидан иборат.

RADAR мантиғи. Моделнинг ҳар бир кичик мезони доирасида ташкилотлар ўзларининг ўзига хос хусусиятлари, стратегияси ва бошқаларга асосланиб, турли ҳил бизнес амалиётларидан фойдаланиши мумкин. Ҳар қандай фаолиятни бошқариш схемасини тавсифловчи RADAR мантиғи уларнинг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради. RADAR – бу қисқартма сўз бўлиб, қуйидаги ҳолда кенгайтирилган тарзда тушунтирилади: яъни Results (натижалар), Approach (ёндашишлар), Deployment (таркалиш), Assessment (бахолаш), Refinement (яхшилаш). Бу мантиқ мукаммалликка эришиш жараёнларидан бири бўлиб, уни барча ташкилотларда қўллаш мумкин:

Шкала, даража ва мукаммаллик поғоналари. Бутун дунё бўйлаб мукаммал моделлари асосида компанияларнинг ташкилий маданиятини бахолаш 1000 баллик шкала бўйича бахоланади. Агар ушбу шкала бўйича шартли идеал ташкилот 1000 балл деб бахоланса, Европа ташкилотлари 700-800 баллга, бугунги кундаги МДХ давлатларида жойлашган етакчи ташкилотлар 550-650 баллга етади. Бу ўз навбатида юқори натижа хисоблансада, Европада жойлашган ташкилотларга таққослайдиган бўлсак, улардан анча пастда жойлашганмиз. Балким бундай ташкилотлар мавжуддир, лекин уларнинг сони бармоқ билан санаарлик холос. Ҳар қандай давлатнинг тавсифлаши мумкин бўлган энг мухим интеграл кўрсаткичи эса унинг асосий корхоналари ва ривожланган мамлакатлар корхоналарининг мукаммаллик даражаларининг нисбати хисобланади. Бугунги кунда МДХ давлатларида 150-250 бални ташкил қиласа, ривожланган Европа давлатларида 300-450 бални ташкил этмоқда. Бу катта фарқ. Бу ўз навбатида иқтисодиётимизнинг оқсаяпганлигини, ташкилий маданиятнинг пастлиги, рақобат мухити ҳамда ахоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулотнинг камлиги белгилаб берувчи омил сифатида қаралади.

EFQM шкала доирасида мукаммаллик даражаси схемасини жорий килди, бу эса Европадаги энг яхши компанияларни, шунингдек, хали бу даражага чиқмаган, лекин яхши натижаларни кўрсатган компанияларни таниб олиш имконини берди. 2006 йилда сифат соҳасида етакчи Украиналик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган «Мукаммаллик зинапояси» шарқий Европа мамлакатларидағи компанияларни мақсадли ва изчил такомиллаштириш учун ёрдамчи бўлди. EFQM доирасида ўз шкаласини схемага солиб интеграция қилмоқчи бўлган ҳар қандай ташкилотга ушбу зинапоя ташкилотларни мақсадли ва изчил такомиллаштириш ва Европадаги энг яхши компаниялар эришган даражага ўтишга ёрдам беради. Етуклик ва ривожланиш даражасидан келиб чиқсан холда, ҳар бир ташкилот асосий қадриятлар, мақсадлар ва тегишли мақсадли функцияларни қабул қиласи, улар кўп даражада ташкилотнинг «Юзини» белгилайди ва ташкилий ишлаб чиқариш жараёнларини лойихалаш учун асос бўлади. Қуйида, мисол тарикасида

замонавий ташкилотнинг баъзи асосий мақсад функциялари (МФ) келтирилган: Юқори сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш (МФ1); атроф мухитни муҳофаза қилиш (МФ2); касбий хавфсизликни таъминлаш (МФ3); энергия тежамкорлик (МФ4); ахборот хавфсизлигини таъминлаш (МФ5); минимал ишлаб чиқариш харажатларини таъминлаш (МФ6); максимал меҳнат унумдорлигига эришиш (МФ7); бошқа мақсадли функциялар(МФб). Мақсадли функциялар тўплами ва уларнинг устуворлиги, турли компанияларда турлича бўлиши мумкин. Бундан ташқари, худди шу ташкилотлар етуклик поғонасига етгунгача турли ўзгаришларни бошдан кечиришлари мумкин. Социалистик тизим пайтида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган мақсадли функциялар етарлича эмас эди. Худди шундай, табиий мухитни сақлашнинг мақсадли функциялари долзарблиги сўнгги ўн йилликларда ўсишни бошлади. Худди шу нарсани энергия тежаш, ахборот хавфсизлиги, хавф – хатарга асосланган қарорлар қабул қилиш ва бошқалар ҳакида хам айтиш мумкин.

Сўнгги ўн йилликлар давомида дунёда мақсадли бошқарув тизимларига ҳалқаро стандартлар фаол тадбиқ этиб келинмоқда, булар асосан ташкилотларнинг мақсадли функциялар самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, улар жамият тараққиётининг хозирги босқичи учун жуда мухим саналади. Масалан, барча китъаларда миллиондан ортик ташкилотларнинг сифат бошқаруви тизимида кенг фойдаланиб келинаётган ISO 9000 ни келтиришимиз мумкин. Улар орасида кенг тарқалган стандартлардан ISO 14000 (экологик бошқарув); OHSAS 18000 (касбий хавфсизлик менежменти); ISO 50000 (энергия тежамкорлик бошқаруви) ва шу кабилар. Муқаммалликка эришишнинг яна бир йўналишларидан бири иш амалиётларини ташкилотдан бошқасига ўтказиш билан боғлиқ. Айниқса барчага машхур бўлган «Benchmarking» - илғор тажрибаларни ўрганиш ва алмашиш жараёнидир.

Компанияларнинг муқаммалликка олиб чиқувчи энг машхур бўлган ва амалиётда кенг қўлланиладиган «комплекс ёндашувлар» орасида (бази холларда мақсадли функциялар ва маданиятлар бирлаштирилган) қўйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим яъни «б сигма», «Эҳтиёткорона ишлаб чиқариш», «20 калит», «5S» ва бошқалар. Дунёning турли давлатларида жойлашган юзлаб ва минглаб компаниялар, семинарлар ва мастер классларда уларни ўрганиб ўз фаолиятига тадбиқ этиб келишмоқда.

Бундан ташқари, ташкилотларни такомиллаштириш учун турли хилдаги универсал ишланмалар ва воситалар кенг қўлланиб келинмоқда, масалан: назорат жадваллари, сабаб ва таъсир диаграммалари, фаолият холати ва воз кечишлилар таҳлили, тажрибаларни режалаштириш, ақлий хужум ва бошқа турдаги диаграммалар. Бугунги кунда биз ишонч билан айта оламизки, ташкилот бошқарув тизими уч компонентнинг комбинацияси сифатида кўриб


чиқилиши лозим: ташкилий маданият, мақсадлы функциялар ва бизнес амалиёти . Шу билан биргаликда ташкилотда фаолият олиб бораётган ходим ташкилотни фаолият юритиши, ривожланиши ва мукаммалликка эришиши доирасида ташкилий маданият, мақсадлы функциялар ва бизнес амалиёти хақидаги маълумотларга эга бўлиши керак. Ўз табиатига қўра, бошқарув тизимларида юқоридаги маълумотлар кучли учликни ташкил қиласи.

Ташкилий маданият. Бу ерда, ташкилотнинг маънавий дунёси, унинг «рухи» маълум қоидалар тўпламида акс эттирилган. Ташкилот маданияти ташкилотнинг ўз олдига мақсад қилиб олган миссиясига мос келиши ва ташкилотнинг қарашларига мувофиқ ривожланиши керак. У ташкилотнинг барча «хужайра»ларига кириб бориши, ходимларни исталган натижаларга эришиши учун бир-бирлари билан уйғун муносабатда бўлишларига ундейди (керак бўлса ўзgartирилади). Ташкилот маданияти мукаммалликнинг асосидир.

Мақсадли функциялар. Бу эса ўз навбатида ташкилотнинг моддий таркибий қисмининг асосидир. Айнан мақсадли функциялар ташкилотнинг мақсадлариға тизимли равишда эришишни таъминлайдиган реал жараёнларни лойихалашни белгилайди. Шу билан бирга, барча мақсадли функциялар ташкилий маданиятни хисобга олган холда қабул қилинади ва амалга оширилади, эхтиёж туғилса ўзгартирилади.

Бизнес амалиётлари. Улар ташкилотда содир бўлаётган барча жараёнларни амалга оширишни таъминлайди. Жараёнларни янада самаралироқ амалга ошириш учун тегишли технологик қурилмалар фойдаланилади. Ташкилий маданиятни ошириш тадбирлари, бизнес амалиётлари билан биргаликда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бошқарув тизимининг универсал 3D-модели, 1 расмда ташкилий қисмларнинг бирикмаси сифатида кўрсатиб ўтилган. Бу ерда ташкилий маданият ва мақсадли функциялар кесишимасида бошқарув жараёнларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бизнес амалиётлари кўрсатиб ўтилган.



Расм. 1. Ташкилот бошқарув тизимиининг 3D-модели

Ташкилий маданият борасида мақсадли тизимли бошқарувни амалга ошириш бўйича халқаро стандарт маълумотлари мавжуд. Шундай қилиб, ISO

9000 стандартидаги «Сифат бошқарувининг 8 тамойили» ташкилий маданиятнинг асосий кўрсатмалари саналади.

Муваффақиятли ташкилотнинг ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятлари бу юқори даражадаги бизнес маданияти ва барча мақсадли функциялар бўйича илғор тажрибага асосланган ишлаб чиқилган жараёнлар мажмуидир. Улар яхши координаштирилган яъни хар бир ходим ўз ишини бажаришга, сифат, маҳсулдорлик ва таннарх учун йўналтирилган.

3D-Модели ва уни амалга оширишдаги ўзига хос хусусиятлари. Модел ва стандартларнинг биргаликда ишлатишнинг афзалликлари.

Асосий афзалликларга қуйидагилар киради:

1. Мукаммаллик тушунчалари ва EFQM модели прогрессивлик нуқтаи назаридан мақсадли бошқарув тизимлари учун стандартлар талабларидан ошиб кетади, бу эса умуман бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга имкон яратади:

- EFQM модели 3 расмда келтирилган стандартларга караганда тўлақонлироқ;

-EFQM модели ташкилотни эришиб бўлмайдиган идеалга интилишга йўналтиради, стандартлар эса кўпчилик эришган мукаммаллик даражасини қамраб олади;

-EFQM моделида ташкилотлар 1000-баллик шкаладан фойдаланишади, бу уларга ўзларининг мукаммаллик даражасини муентазам ва мақсадли равишда баҳолаб бориш имконини беради, бошқарув тизими шартларини стандартларга мувофиқлигини баҳолашда одатда бинар шкаласидан («мувофиқ» ёки «мувофиқ эмас») фойдаланилади.;

-EFQM модели ташкилотларга ўз фаолиятида «яхши амалиётлар»ни қўллаш имконини беради, стандартларда эса катъий «талаблар» мавжуд.

2. EFQM концепцияси ва мукаммаллик тушунчалари ташкилотнинг фақат бир қисмига эмас, балки бутун бир ташкилотнинг ташкилий маданиятига боғлиқ. Шунинг учун улар ташкилотларнинг бошқарув тизимини тўлиқлиги ва ўйғунлигини таъминлашга кўпроқ хисса қўшадилар. Шу жумладан стандартлар мақсадли бошқарув тизим қоидаларини яхшилаш учун хам фойдаланилади. Бу ўз-ўзидан аниқ мақсадли функцияларни бажариш ва аниқ мақсадларга эришиш учун яхши қўшимча кўрсатмалардир.

EFQM шахслараро муносабат

3 д. ходимлар қадрланади, мукофотланади ва ғамхўрлик қилинади

3 г. Ташкилот ходимлар билан самарали алоқа ўрнатади

3 в. Ходимлар жалб қилинган ва уларга ваколат берилган

3 б. ходимлар билим ва малакаси ривожланиб бориши + + + +  
+ +

3 а. хар бир ходим режаси ташкилот стратегиясига қаратилган

6.2.1 маҳсулотнинг техник жихатларига таъсири билан шугулланувчи ходимларнинг, таълим, тайёргарлик, куникма ва тажрибага эга эканлиги а) маҳсулот сифатиталаблари мувофиқлигига таъсир этувчи ишларни бажарувчи ходимларнинг зарурий малакасини аниқлаш б) имкон кадар, керакли малакага эришиш учун уйланиш ва бошқа харакатларни амалга ошириш в) қабул қилинган чора тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш г) ходимларнинг уз фоалиятини долзарблиги ва яхалликта ва сифат мақсадларига эришинидан хисози хакнида билишларига ишонч хосил қилинг д) таълим, куникма ва тажрибанинг зувларини сакланг

6.2.2 компетенция, укитиш ва хабардорлик. Ташкилот қўйидагиларни бажариши керак:

#### Стандарт ISO 9001. 6.2. инсон ресурслари

EFQM шахсларро муносабат	3 д. ходимлар кадрланиди, мукофотланади ва ғамкўрлик килинади						
	3 г. Ташкилот ходимлар билан самарали алоқа ўрнатади						
	3 в. Ходимлар жалб қилинган ва уларга ваколат берилган						
	3 б. ходимлар билим ва малакаси ривожланшиб бориши	+	+	+	+	+	+
	3 а. ҳар бир ходим режаси ташкилот стратегиясига қартилган						
6.2.1 маҳсулотнинг техник жихатларига таъсири билан шугулланувчи ходимларнинг, таълим, тайёргарлик, куникма ва тажрибага эга эканлиги		a) маҳсулот сифатиталаблари мувофиқлигага таъсир этувчи ишларни бажарувчи ходимларнинг б) имкон кадар, керакли малакага эришини учун уйланиш ва бошқа харакатларни амалга ошириш	b) қабул қилинган чора тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш	c) ходимларнинг уз фоалиятини долзарблиги ва яхалликта ва сифат мақсадларига эришинидан хисози хакнида билишларига ишонч хосил қилинг	d) таълим, куникма ва тажрибанинг зувларини сакланг	6.2.2 компетенция, укитиш ва хабардорлик. Ташкилот қўйидагиларни бажариши керак:	
Стандарт ISO 9001. 6.2. инсон ресурслари							

Расм. 2. EFQM модели ва бошқарув тизимлари стандартлари ўртасидаги муносабатларнинг тасвири (ходимларга нисбатан ISO 9001 стандарти мисолидан фойдаланган холда)

3. 5 та имконият меъзонлари билан бир қаторда, EFQM модели тўртта натижа мезонини ҳам ўз ичига олади, улардан фойдаланиш қўлланиладиган бошқарув тизимиning самарадорлигини вақти – вақти билан баҳолаш ва уни мақсадли такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича тадбирларни режалаштириш имконини беради.

Менежмент тизимини лойихалаш (қайта лойихалаш)нинг дастлабки босқичида, ташкилот ўз фоалиятидаги келажакда бошқарув тизимида тадбиқ

этмоқчи бўлган ҳамда аввалдан фойдаланиб келган тўлақонли асосий бошқарув қадриятларини (муваффақиятли ташкилотларнинг асосий сифатига оид) аниқлаб олиши, шу билан биргаликда улар ташкилотнинг олдига қўйган мақсадларига мос келиши лозим. Бу эса ташкилотнинг мақсадли вазифалар тўпламини шакллантириб олиши ҳамда уларни амалга ошириш жараёнларини келажакда ривожлантириш учун керак бўлади.


Шуни таъкидлаш керакки, EFQM концепциялари ва мукаммаллик моделига алтернатива ва асос сифатида ISO 9004:2009 «Барқарор ташкилий муваффақиятга эриши учун менежмент. Сифат менежментига асосланган ёндашув» халқаро менежмент стандартидан фойдаланиш мумкин. Табиийки мақсадли тизим бошқарувида ISO стандарт талабларини интеграция қилиш амалиётда қўлланилади. Бироқ, бизнинг фикримизга кўра, EFQM мукаммаллик концепциялари ва модели янада илғор ва истиқболли бўлиб, бу ташкилотга такомиллаштириш жараёнида қўшимча даромад олиш имконини беради.

Бошқарув жараёнларининг яхлитлигива ва технологикилиги. Ҳар қандай бошқарув тизими, биринчи навбатда, обьект, субъект ва бошқарув механизмларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Бироқ, унинг асосини бошқарув субъекти унинг обьектига нисбатан амалга оширадиган бошқарув фаолияти ташкил қиласди. Бошқарув фаолияти, биринчи навбатда, тегишли бошқарув қарорларини шакллантириш ва бажарилишини ташкил этиш учун маълумотларни идрок этиш ва ўзгартириш орқали вазиятларга ва уларнинг ўзгаришига жавоб бериши билан боғлиқ. Таъкидланганидек, бошқарув жараёнлари мақсадли функциялар доирасида амалга оширилади ва ташкилотнинг мақсадларини белгилаш ва уларга эришишга қаратилган бўлиб, улар бутун ташкилот ёки унинг алоҳида қисмлари фаолиятини турли томонларидан акс эттирувчи баҳолаш қўрсаткичлари шаклида тақдим этилади. Лекин, бу ерда тушуниш мухим бўлган нарса шундаки, ташкилотнинг барча мақсадлари контекстида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотлар шаклланади ва қабул қилинган қарорлар ягона ишлаб чиқариш мухитида, унинг реал моддий йўналишларида амалга оширилади. (4-расм). Маҳсулот ишлаб чиқаришда бир вақтнинг ўзида унинг сифат стандартлари (ISO 9001), ва унинг атроф мухитга таъсири (ISO 14001), касбий хавфсизлик қисмлари (OHSAS 18001) ҳам шаклланади; бунда ресурслар сарфланади, шу билан биргаликда энергия ресурслари (ISO 50001) ва бошқалар. Бошқа томондан, агар бир бир томонлама фақат сифат қўрсаткичларини яхшилашни мақсад қилиб оладиган бўлсак унда атроф мухит ифлосланишига ёки персонал хавфсизлигининг ёмонлашишига, ҳамда ресурслар масалан энергия ресурслар сарфининг ортишига олиб бориши мумкин. Ёки аксинча ресурс истеъмол сарфининг камайиши маҳсулот сифатининг ёмонлашишига ҳам олиб бориши мумкин. Шу муносабат билан, бошқарувдаги ахборот жараёнлари ташкилотда

қабул қилинган бахолаш кўрсаткичларининг барча тўпламини мувозанатли мақсадли бошқаришни таъминлайдиган тарзда ишлаб чиқилиши керак.

Тизим бошқарувини лойихалаштиришда асос, Деминг (ISO 9001 стандарти) хамда RADAR (EFQM модели) мантиғи жараёни сифатида юзага чиқувчи фикр мулохазалар алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ташкилот томонидан шакллантирилган фикр мулохазалардан фойдаланиш уни мақсадли такомиллаштиришга, жараённинг ўзгарувчанлигини камайтиришга белгиланган талабларга, шу жумладан маҳсулот сифатига мос келишига ёрдам беради. Бундан ташқари, фикр мулохазалар ташкилот фаолиятидаги нормадан юқори яхшиланишлар ёки уларнинг туб ўзгаришлари бўйича асосли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Ташкилот бошқарув тизими бу - бир суз билан айтганда бу унинг мияси. Биз биламизки, бош миядаги кичик ўзгаришлар хам инсонни фавқулотда холатларга тушириб қўйиши мумкин. Шу сабаб тизимни ривожлантириш ва модернизация қилишга жиддий ёндашиш керак. Унда унинг барча компонентлари ўзаро бир бири билан боғлиқлигини эсдан чиқармаслик лозим. Ва бу ерда ишончли мутахассисларнинг айтган фикрларини эслаш ўринлидир яъни: «Энг ишончли тизим унинг энг ишончсиз элементидан ишончлироқ эмас». 3D моделидан фойдаланган холда ташкилотларни бошқариш тизимини такомиллаштириш «Ташкилий етуклик» даврини сезиларли даражада қисқартириши ва корхоналарнинг ўзи хамда умуман мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини сезиларли даражада ошириши мумкин.



Расм 3. Тўлақонли мақсадли бошқарув тизимининг ахборот интеррацияси тасвири

3D-ёндашувни амалга ошириш учун кўпроқ вақт ва ресурсларни сарфлаш керак. Табиийки тўлақонли тизим бошқарув стандартларини амалиётга жорий

этишга нисбатан, бошқарув тизимларини автоматлаштиришга кўпроқ харажат ва ресурс сарфланади. Бироқ бу бошқарув жараёнларини автоматлаштиришни бекор қилиш учун сабаб бўла олмайди. Бошқа томондан эса, менежмент тизимлари учун амалдаги стандартларни жорий этиш сезиларли таъсир қўрсатмади – бу барчага маълум факт. Пировардида, ушбу амалиёт самарали эмас, бу эса уни ривожлантириш талаб этади ва хукумат томонидан кўмакка муҳтож хисобланади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. - Т.: O'zbekiston, 2003. - 40 b.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvarda qabul qilgan "2022 – 2026 yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-sonli farmoni. <https://lex.uz/docs/5841063>.
3. Respublikada oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqaruvchilarini yanada qo'llab-quvvatlash to'g'risida. 20.01.2022 y. <https://nrm.uz/contentf>
4. Фейгенбаум А. Контроль качества продукции: пер. с англ, -М.: Экономика, 1986.-471 с.
5. Никсон Френк Роль руководства предприятия в обеспечении качества и надежности. М.: Издательство стандартов, 1990.-231 с.
6. Букин В. П., Ординарцева Н. П. Стандартизация и качество продукции: Учебное пособие / Под общ. ред. проф. Г.П. Шлыкова — Пенза: ЦНТИ, 2004
7. Quality Management System And Its Analysis In "Mehmash" Limited Liability Company Of Namangan Region. International Journal of Education, Social Science & Humanities 12 (4), 537-546 Orifjonov Nodir G'oyibjon o'g'li. <https://sirpublishers.org/index.php/jomb/article/view/525/994>
8. Саноат корхоналарида махсулот сифатини бошқариш механизми концепциясини ишлаб чиқариш масалалари. Янги Узбекистон иктисадиёти (Илмий-амалий журнал, 5-махсус сон, 2023 йил). Orifjonov Nodir G'oyibjon o'g'li.
9. Sanoat korhonalarda mahsulot sifati, uni boshqarish tizimi va sifatni boshqarishning asosiy tamoyillari tahlili. Orifjonov Nodir G'oyibjon o'g'li. (2024). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10990092>
10. Mahalliy sanoat ishlab chiqarish korhonalarda mahsulot sifati boshqarish tizimi. IMRAS, 7(4), 153–162. Orifjonov Nodir G'oyibjon o'g'li. (2024). Retrieved from <https://journal.imras.org/index.php/sps/article/view/1240>
11. Issues of comprehensive product quality management mechanism. Международный научный журнал. «Научный Фокус». № 5(100), часть 1. Сентябрь, 2023. <https://nauchniyimpuls.ru/index.php/sf/article/view/11666/7785>